

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

Робахон МАХМУДОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
партия фракцияси раҳбари

Қадрли юртдошлар!
Шу кунларда давлатчилигимиз тарихида янги даврни бошлаб берган миллий байрамларимиздан бири – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 33 йиллиги мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Аввало, ушбу шукуҳли айём билан барчангизни "Адолат" СДПнинг бир миллиондан ортиқ аъзолари номидан самимий муборакбод этамиз.

Бош қомусимиз давлатимизнинг суверенитети рамзи, халқимизнинг фахр ва ифтихори манбаи ҳисобланади.

Конституция ижтимоий адолат ва тенглик принципларига асосланган жамият барпо этишнинг ҳуқуқий кафолатидир. Қолаверса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилишда, давлат бошқаруvinинг асосий мезонлари ва миллий бирлиكنинг мустаҳкам кўприкларини белгилашда муҳим ўрин тутати.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямиз бевосита халқимизнинг иродаси ва хоҳиш-истакларини ифодалаши билан тараққиётимизнинг янги даврини бошлаб берди. Натижада, ҳуқуқий тизимни янада такомиллаштиришга, ҳар бир фуқаронинг ҳаётида муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ўзгаришларни амалда таъминлашга замин яратилди.

Мамлакатимизда жамиятнинг барча қатламлари учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар бериш, ижтимоий адолатни таъминлаш, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ва унинг ҳуқуқларини ҳимоялаш Конституциямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Қолаверса, Бош қомусимиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда ҳам асосий роль ўйнамоқда. Юртимизнинг дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга ва ҳудудий барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Конституциямиз, аввало, инсон қадрияти устуворлигини таъминлайди, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади, уларнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратади. Шу билан бирга, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва ижтимоий муносабатларда очиқлик ва шаффофликни мустаҳкамлаш орқали, миллий тараққиётимизга янги куч беради. Ана шунинг учун ҳам "Конституция – бахтимиз қомуси", деймиз.

Ҳурматли ҳамюртлар!

Хабарингиз бор, партиямиз Бош қомусимиз тамойилларини аҳоли орасида кенг ёйиш, унинг ҳар бир банди юртдошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Шу мақсадда, партиямиз фаоллари ташаббуси билан Бош қомусимизнинг аудиоки-тоб варианты яратилди ва Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг филиаллари, шунингдек, имконияти чекланган юртдошларимизни бirlаштирган барча муассасаларга бeғараз тарқатилди. Сайловолди дастури-мизда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, барча фуқароларнинг Конституциядан фаол фойдаланишини таъминлаш, ҳудудларда "Конституция" хиббонларини барпо этиш таклифини илгари сурганимиз беҳиз эмас. Жамиятда қонунлар устувор бўлсагина адолат таъминланади. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни бундан кейин ҳам тизимли давом эттираимиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни яна бир бор Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан чин дилдан табриклаймиз!

Ватанимиз тараққиёти йўлида бирдамлик ва фидойилик билан хизмат қилиш, адолат ва ҳуқуқ устуворлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш ҳам-мамизнинг бурчимиздир.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

4-5

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ВА АМАЛИЙ НАЗОРАТ МЕХАНИЗМИ САМАРА БЕРМОҚДА



ЭКОПОГИК БАРҚАРОРЛИК —

МИЛЛАТ
САЛОМАТЛИГИ ВА
КЕЧАЖАК АЙВОД
ОЛДИДАГИ
МАСЪУЛИЯТ

СУД ҲУҚМИДАН КЕЙИНГИ



ЎЙЛАР

...Такрор бўлса-да, ҳар куни ҳам-мамиз учун муҳим, тааллуқли, дол-зарб бўлган бир фикрни яна қай-тараман: ҳар қандай жамиятнинг маданияти, маънавияти даражаси унинг ўз аёлларига бўлган муносабатидан келиб чиқиб белгиланади.

6



ДОРИ БОЗОРИДАГИ ИППАТЛАР

қачон барҳам
топади?

7

Инсон манфаатлари — олий қадрият

ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA № 48-49 (1565) 2025-YIL 5-DEKABR, JUMA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat



ҲАР ТОМЧИДА ҲАЁТ:



ПАРТИЯ АКЦИЯСИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Қон инсон ҳаёти ва саломатлигининг муҳим таркибий қисми сифатида тиббиёт учун энг қиммат-баҳо ресурслардан бири саналади. Чунки қоннинг табиий мувозанати бузилган ҳар қандай ҳолатда инсон ҳаёти жиддий хавф остида қолиши мумкин. Шу боис дунёнинг барча мамлакатларида донор-лар юксак қадрланади, рағбатлантирилади. Зеро, топширилган ҳар томчи қон кимнингдир ҳа-ётини сақлаб қолишга хизмат қилади.

2

ОБУНА-2026



Қадрли
юртдошлар!
2026 йил учун обуна
давом этмоқда.
"ADOLAT"га
обуна
бўлишингизга
ишонамиз.

OBUNA BO'LING

Обуна индекси - 100



ҲАР ТОМЧИДА ҲАЁТ: ПАРТИЯ АКЦИЯСИ ФАОЛ ҚўЛААБ-қувватланмоқда

**Орифжон ОДИЛОВ,
“Адолат” СДП Матбуот хизмати ходими**

1 Умр саодатли кунлар билан бир қаторда синовлар, кўнгилсиз ҳолатлардан ҳам иборат. Кутилмаганда юз берган ҳалокат соғлом инсонни ҳам тўшаққа михлаши мумкин. Айниқса, автоҳалокатлар, сўнгги йилларда болаларда кўп учраётган ўткир лейкоз каби хасталикларда қон ва қон препаратлари бемор ҳаётини сақлаб қолишнинг бирдан-бир воситаси ҳисобланади. Аммо уни сунъий яратиш имконсиз, бунда фақат донор вужуди ишлаб чиқарган қонгина нажот бўла олади. Мамлакатимизда донорлик ҳаракати давлат томонидан рағбатлантирилаётгани, фахрий донорларга имтиёзлар берилаётгани бежиз эмас.

2002 йил 30 августда қабул қилинган “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида”ги қонун соҳани тартибга солишда дастуриламал бўлиб хизмат қилаётганини қайд этиш жоиз. Мазкур ҳужжатда маҳаллий давлат бошқаруви органларининг ваколатлари, қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги бўйича ташкилот, муассаса ва корхоналар раҳбарларининг мажбуриятлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг бу соҳадаги иштироки аниқ белгиланган.

“Адолат” СДП масаланинг ғоят долзарб аҳамиятини ҳисоба олган ҳолда ушбу йўналишда ҳам тизимли лойиҳаларни ишлаб чиққан. Мана, 9 йилки, “Бор меҳримиз сenga, болажон!” шиори остида донорлик акцияси ташкил этиб келинмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бегараз ёрдам муҳитини кучайтириш ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган.

Эътиборлиси, партияимизнинг ушбу ташаббуси йилдан-йилга такомиллашиб, юртдошларимиз томонидан тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 2024 йилда ўтказилган акция доирасида 3978 нафар кўнгилли иштирок этган, натижада 1700 литрдан ортқ қон захираси жамғарилган эди. Жорий йил 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида ўтказилган тадбирларда эса 7643 нафар саховатли юртдошларимиз қатнашди. Улар топширган 3570 литр “ҳаёт томчилари” 9 мингта яқин бемор болажонларни даволаш учун ишлатилган.

Рақамлардан кўриниб турибдики, бир йил ичида донорлар сони қарийб икки баробарга, тўпланган қон миқдори эса 109 фоизга ошган. Бу аҳолининг партия ташаббусига ишончи ортиб бораётгани, жамиятда бегараз ёрдам кўрсатишга интилиш кучаяётганидан далолат беради. Бунда партиянинг ҳудудий кенгашлари тарғибот ишларида алоҳида фаоллик кўрсатаётганликларини ҳам эътироф этиш жоиз. Хусусан, **Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё вилояти кенгашлари саяёҳаракатлари сабаб ушбу ҳудудларда энг кўп кўнгиллилар иштироки ташминланган.**

Мутахасссларнинг қайд этишича, қон топшириш донор саломатлиги учун ҳам фойдали. Аввало, донор организмда қон айланиши яхшиланади. Ортиқча оқмадан халос бўлган юрак қон томир тизими нормал ишлаб боради. Вақти-вақти билан қон топшириш юрак хуружи ва инсулът хавфини камайтириши замонавий тиббий тадқиқотлар орқали аниқланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, донорлар бошқаларга қараганда 5 йил кўпроқ умр кечирилади.

Бундан ташқари, ҳар қандай қон топшириш организм учун энгил стресс ҳисобланади. Бундай стресс ташқи муҳитнинг салбий омилларига таъсирчанлигини оширади. Бахтсиз ҳодисалар,

операциялар чоғида организмнинг оғир талафотларга учраш эҳтимоли донорларда бошқаларга қараганда хавфсизроқ кечади. Чунки донор организми қон йўқотишга мослашган бўлади ва оғир асоратларни ҳам нисбатан енгилроқ ўтказди. Бегараз қон топшириш инсон онги ва руҳиятида ижобий ўзгаришлар ясайди. Психологларнинг таъкидлашича, беморга ёрдам бериш, бировнинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўшиш инсонда ижтимоий масъулият сезгиси ва ички қаноат туйғусини кучайтиради. Қон топширган донорларда эндорфинлар – бахт гормонлари кўпроқ ишлаб чиқишии шундан.

Албатта, донор бўлиш учун муайян талаблар ҳам мавжуд. Қон топшириш истагида бўлган шахс 18 ёшдан 60 ёшгача оралиқда, шунингдек, 55 килограмдан ошқ вазнга эга бўлиши зарур. Гемоглабин даражаси аёлларда 120, эркакларда 130 g/L дан юқори бўлиши талаб этилади. Соғлом аёллар ҳар уч ойда, эркаклар икки ойда бир марта қон топширишлари мумкин.

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар қон билан ишлаш хизматининг ҳам тубдан янгиланишига олиб келди. Республика қон қуйиш маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари замонавий лабораториялар, центрифугалар, юқори аниқликдаги текширув ускуналари билан жиҳозланган.

Қон компонентларини ажратиш, фильтрация қилиш, стериллаштириш, сақлаш жараёнлари халқаро ISO стандартлари асосида амалга оширилиши соҳага бўлган ишончни янада оширмоқда. Бу, ўз навбатида, донорлар сони кўпайишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Афсуски, қон ва қон препаратларига эҳтиёж заҳираларга қараганда анча юқори. Статистик маълумотларга кўра, бугун юртимизда аҳолининг атиги 0,4 фоизи донор сифатида рўйхатга олинган. Айрим давлатларда бу кўрсаткич 3-4 фоизгача етади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияларидан ҳам донорлар аҳоли сонининг камида 1 фоизини ташкил этиши лозимлиги белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, юртимизда қон топширишни умумхалқ ҳаракатига айлантириш юзасидан қатор амалий ишлар олиб бориляпти. Бунда, аввало, донорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш эътиборга олинмоқда. Жумладан, кўп маротаба қон топширган инсонларга “Ўзбекистон Республикаси фахрий донори” кўрак нишон таъсис этилган бўлиб, унга сазовор бўлган юртдошларимиз базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорда мукофот билан рағбатлантирилади. Шунингдек, фахрий донорлар жамоат транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Донорлар ўзлари учун қўлай вақтда йиллик меҳнат таътили олиши ҳам қонунчилигимизда белгиланган. Доимий донорлар ва уларнинг яқин қариндошлари агар стационар даволаанишда бўлиб, қон ёки қон компонентларига эҳтиёж сезса, имтиёзли асосда олиши кафолатланган.

Қон топширишнинг яна бир афзаллиги барча турдаги қон таҳлиллари ва тиббий қўриқлардан бепул ўтиш имкониятидир.

3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан партияимизнинг анъанаси яна давом эттирилди. Республика қон қуйиш маркази ва унинг барча бўлими ва филиалларида, вилоят, шаҳар, туман тиббиёт бирлашмаларида бегараз қон топшириш акцияси уюшқоқлик билан ўтди.

Тайёргарлик жараёнида партияимиз билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиб келаётган вазирлик ва идора раҳбарларига аҳоли орасида бегараз до-

норлик маданиятини шакллантириш ва донорлик ҳаракатида кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш бўйича тақлифлар юборилган эди. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали халқимизга мурожаат йўлланиб, акцияда кўнгилли қатнашиш тақлиф этилди. Натижа кутилганидан ҳам юқори бўлгани қувонарлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ушбу хайрлий лойиҳада иштирок этиш ва бемор болажонларнинг соғайишига ҳисса қўиш ташаббуси билан чиқди.

Партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати ушбу эзгу тақлифни қўллаб-қувватлаган ҳолда, Республика қон қуйиш маркази билан ҳамкорликда керакли чора-тадбирларни амалга оширди. Хусусан, кўнгилли ходимларга қўлайлик яратиш ва иш жараёнидан ажралмаган ҳолда хайрияда қатнашишларини таъминлаш мақсадида, бевосита Бош прокуратура биносида махсус мобил қон олиш бригадаси фаолияти йўлга қўйилди.

Жараёнга малякали шифокорлар, лаборатория мутахассслари ва партия фаоллари жалб этилди.

Мазкур тадбирда Бош прокуратура марказий аппарати ҳамда унинг ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ходимлари юксак инсонпарварлик намунасини кўрсатдилар.

Тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож, онкологик клиникаларда даволанаётган болажонларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган акцияда 150 нафардан ортқ кўнгилли ходим қон топширди.

муҳтож болалар ҳаётини сақлаб қолишга ҳисса қўиш мақсадида кўмита раҳбарияти ўзига хос ташаббус билан чиқди. Республика қон қуйиш марказининг махсус кўчма лабораторияси кўмита биносига келтирилди. Бу, ўз навбатида, ходимларга қўлайлик яратиб, иш жадвалига халаф бермаган ҳолда донор бўлиш имконини берди.

Тадбирда инсонпарварлик қадриятларига содиқ ҳолда хайрлий ишга қўшилиш истагини билдирган кўнгиллилар кўп бўлди. Улар орасида узоқ йиллардан бери донор сифатида шахсий ташаббус кўрсатиб келаётганлар ҳам, илк марта қон топшираётганлар ҳам борлиги эътиборга молик.

– **Кундалик фаолиятимиз рақамлар ва ҳисоб-китоблар билан боғлиқ, аммо проевард мақсад халқимизга садоқат билан хизмат қилишдир, – дейди катта солиқ инспектори Мирсодиқ Султонов. – Шундай экан, донорлик акцияси мисолидаги эзгу ташаббуслардан четда қолишни истамайди. Қон топширган киши нафақат бир беморнинг ҳаётини сақлаб қолади, балки ўзида инсонийлик туйғусини, ҳаётга нисбатан масъулиятини ҳам мустаҳкамлайди.**

Дарҳақиқат, қон топшириш кишидан бир неча дақиқа вақт талаб қилади, холос. Аммо унинг аҳамияти бир бемор умрини ўн йилларга узайтиради. Буни қалбдан ҳис қилган донор қалбдан фахр ва ҳаловат ҳиссини туюди. Донорлик маданияти юқори бўлган мамлакатларда ўртача умр кўриш кўрсаткичи юқори экани ҳам шундан.

– **Фарзанднинг бемор бўлиши она учун нақадар оғир эканини яхши тушунаман, – дейди йирик солиқ тўлов-**

Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда ҳам “Бор меҳримиз сenga, болажон!” бегараз донорлик акцияси ўтказилди. Тадбирда партияимизнинг Тошкент вилояти кенгаши ходимлари ҳамда офицер ва сержантлар, мударратли ҳарбий хизматчилар иштирок этди. Жараёнда 50 нафардан ортқ кўнгиллилар донор сифатида қон топширди.

“Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси уринбосари Абдуқамол Раҳмонов сўзга чиқиб, оғир хасталикка чалинган, ногиронлиги бўлган болаларга меҳр-муҳаббатли бўлиш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш инсоний бурч эканини таъкидлади.

Акция иштирокчилари бемор болалар ҳаётини сақлаб қолиш, уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш йўлида партия голяри билан ҳамфикр эканликларини билдиришди.

Дарҳақиқат, бу каби хайрия тадбирлари жамиятда бирдамликни кучайтиришга хизмат қилади.

Президентимизнинг 2022 йил 9 августда қабул қилинган “Республикада қон билан ишлаш хизмати муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш ва аҳоли орасида бегараз донорлик ҳаракатини ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган акцияда айни пайтда ўқитувчилар, шифокорлар, журналистлар, муҳандис ва ахборот технологияси мутахассслари, тадбиркорлар, ҳайдовчилар, талаба-ёшлар – умуман, турли ёш ва қатлам вакиллари иштирок этгани партия ташаббусининг умумхалқ ҳаракатида

ҳеч ҳожат йўқ экан. Ўзимда ноқулайлик ҳис қилмадим, тажрибали шифокорлар стерилланган шароитда қон олишди. Мен топширган қон битта бўлса ҳам болакайнинг дардига дармон бўлса, хурсанд бўламан.

Ҳақиқатан ҳам, қон қуйиш маркази келган кўнгиллиларнинг кўпчилиги ёшлар экани эътиборимизни тортди. Улар орасида Ички ишлар вазирлиги академиясининг бир гуруҳ курсантлари ҳам бор экан.

– **Ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилиш фақат ҳарбий топшириқлар билан ўлчанмайди, – деди курсант Озодбек Зикраев биз билан суҳбатда. – Икки-уч кун аввал устозларимиздан бири жамиятда бирдамлик ҳақида сўзлай туриб, “Адолат” СДП томонидан илгари сурилган “Бор меҳримиз сenga, болажон!” акциясини мисол келтирди. Ички ишлар ходими, ўз халқини, аввало, ўсиб келаётган мурғак авлоднинг тинчлиги-оқоийишталлигини ҳимоя қилишга бел боғлайди. Бўлажак соҳа ходими сифатида бизнинг ҳам орзумиз – шу. Болажонларга қандай хавф таҳдид солаётганини аҳамияти йўқ, у тинчлигимизни кўролмайдиган ғаразли кимсаларми ёки оғир хасталикми, биз кўксимизни қалқон қилишимиз керак. Ана шу истак мени акцияда иштирок этишга чорлади.**

Акциянинг яна бир кўнгилли иштирокчиси **Вера Заборская**нинг фикрлари ҳам эътиборга молик. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясида фаолият юритаётган Вера опа бундай акцияларда фаол бўлишни ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз, деб ҳисоблайди.



Ушбу ҳамкорлик – давлат идоралари ва сиёсий партияларнинг жамиятдаги ижтимоий муаммоларини ҳал этиш, хусусан, бемор болаларга ҳаёт бағишлаш ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш йўлидаги бирдамлигининг ёрқин ифодаси бўлди.

Қон – инсон ҳаёти учун муҳим манба. Ҳар йили юзлаб беморлар, жумладан, онкологик касалликларга чалинган болажонлар қон ва унинг таркибий қисмларига муҳтож бўлади. Улар учун ҳар бир томчи қон – умид ва имконият рамзига айланади. Беморлар ҳаётини сақлаб қолиш йўлида тиббиёт ходимларига кўмаклашиш олийжаноблиқдир. Турли соҳа ходимларининг акцияга қўшилиётгани ҳам бежиз эмас. Аввало, халқимизга хос инсонийлик туйғуси бизни бирлаштирамоқда.

Давлат солиқ кўмитасида ўтказилган наватдаги тадбир фикримиз тасдиғидир. Партия ташаббусини қўллаб-қувватлаш, соҳа ходимлари ўртасида донорлик маданиятини янада ривожлантириш ва энг муҳими, ёрдамга

чилар бўйича ҳудудлараро солиқ инспекцияси шўъба бошлиғи Нилуфархон Ганиходжаева. – Биз топшираётган қон заҳиралари шундай оғир синовга дуч келган ота-оналарга нажот бўлади. Мурғак вужуди билан дард чекаётган болажонлар юзига табассум олиб қиради. Акциянинг моҳияти ҳам шунда.

Уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказилган тадбир ўз самарасини бермай қолмади. Акция доирасида 100 нафардан ортқ солиқ хизмати ходимлари кўнгилли сифатида иштирок этди. Натижада 30 литрдан ортқ қон захираси тўпланди.

Ушбу кўрсаткич, аввало, соҳа ходимларининг фидойилик, меҳр-оқибат ва фуқаролик масъулиятини ҳам амалда намоеи этади. Шу билан бирга, донорлик маданиятини кенг ёйишда муҳим тарғибот воситаси бўлди.

Бу каби тадбирлар фарзандларимиз саломатлигини асраш, одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибати ва жамиятнинг маънавий юксалиши учун мустаҳкам пойдевор яратади.

айланиб бораётганидан дарак беради.

– **Ўзим қажқадарёликман, Тошкентда олий ўқув юртида тахсил оламан, – дейди Давлатбек Нуриддинов. – Акция ўтказилаётганидан ижтимоий тармоқлар орқали хабар топдим. Дўстларим билан маслаҳатлашгач, иштирок этишга, хайрлий ишга ҳисса қўишга қарор қилдик. Аввалига бироз чўчигандим. Аммо иккиланмиша**

Дарҳақиқат, халқимизда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат туйғулари ҳамиша қадрланган. Айниқса, Ўзбек халқи бемор ҳолидан хабар олиш, уларга кўмак кўрсатишни инсонийлик рамзи деб билади. Агар бемор кўзимизнинг оқу қораси бўлган фарзандларимиз бўлса, бу масъулият янада ортади. Юртимизнинг барча ҳудудларидаги бемор болажонлар соғайиб, оёққа туриб кетиши учун дори-дармонлар билан бир қаторда қон ҳам жуда муҳим. Кўнгилли инсоннинг болалар учун топширган қони бемор дардига шифо бўлиб, унинг ҳаётга бўлган ишончини оширади.

Ушбу масъулиятдан келиб чиқиб, ўтказилган наватдаги донорлик акцияси халқимиз томонидан фаол қўллаб-қувватланганининг асосий сабаби ҳам шунда.

Акция республикамизнинг барча ҳудудларида ўтказилиб, тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни кўнгилли равишда қон топширишга қаҳириш орқали бемор болаларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат голяларини тарғиб қилишга қаратилди.

“БОР МЕҲРИМИЗ СЕНГА, БОЛАЖОН!” ДОНОРЛИК АКЦИЯСИ
ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Конституция — инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!

Инсон қадри ва адолат устуворлигининг кафолати



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши асосида мамлакатимизда Бош қомусимиз қабул қилинган сана **“Конституция – инсон қадри, эркинлик, тенглик ва адолат гарови!”** деган бош ғоя асосида нишонланмоқда.

Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Одилжон Маматкаримов Конституция ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди:

– Ҳар бир мустақил давлат ҳаётида Конституция энг олий ҳуқуқий ҳужжат сифатида алоҳида ўрин тутadi. У мамлакат тараққиётининг ҳуқуқий асосини белгилабгина қолмай, халқнинг орзу-интилишлари, қадриятлари ва келажакка бўлган ишончини ўзида мужассам этади.

Конституция – фақат ҳуқуқий ҳужжат эмас, балки халқни бирлаштирадиган, фуқароларда Ватан тақдири учун масъулият туйғусини уйғотадиган маънавий қадрият ҳамдир. У ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда, қонунга ҳурмат руҳини шакллантиришда муҳим ўрин тутadi. Айниқса, ёш авлод учун Конституция демократия, адолат ва ватанпарварлик мактабидир.

Конституция қабул қилинганга 33 йил тўлиши халқимиз ҳаётида буюк тарихий ва маънавий аҳамият касб этади. 1992 йил 8 декабрь куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил давлат барпо этиш йўлида қўйилган қатъий қадамлардан бири бўлиб, миллий ҳуқуқий тизимнинг мустаҳкам пойдевори бўлди. У демократик тамойилларга асосланган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устувор деб эътироф этилган, қонун устуворлиги таъминланган давлат барпо этишга хизмат қилди.

Ўтган 33 йил давомида Конституция мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ишончли ҳуқуқий асоси бўлиб келмоқда. Давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, суд-ҳуқуқ соҳасида адолатни таъминлаш каби муҳим соҳалардаги ислохотлар айнан Конституция меъёрлари асосида амалга оширилмоқда.

Айниқса, 2023 йил 30 апрелда референдум орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги тахрири халқнинг давлат ва жамият ҳаётини ислоҳ этишга бўлган қатъий ишончини, фаол фуқаролик позициясини яққол намоён этади. Бу референдум фақат ҳуқуқий ҳужжати янгилаш эмас, балки “Инсон қадри учун” деган ғояни давлат сиёсати даражасига кўтарган, халқ ва давлат ўртасидаги очиқ мулоқот самараси бўлди.

Янги тахрирдаги Конституция ўз мазмун-моҳиятига кўра тарихий аҳамиятга эга. Унда Ўзбекистон ижтимоий давлат сифатида мустаҳкамланиб, давлатнинг инсонга, унинг фаровон ҳаётини таъминлашга бўлган масъулияти аниқ белгилаб қўйилди. Кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар ва ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлатнинг муҳим вазифаси сифатида конституциявий нормага айлантирилди.

Асосий қомуснинг янги тахририда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш нормалари янада кенгайтирилди. Инсон шайни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, шахсий дахлсизлигини таъминлаш, ҳусусий мулк дахлсизлигини мустаҳкамлаш давлат сиёсатида устувор йўналиш сифатида белгилаб берилди. Суд-ҳуқуқ соҳасида адолат, айбсизлик презумпцияси ва одил судлов тамойилларининг кучайтирилиши эса қонунийлик ва адолатни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Янгилашган Конституция давлат бошқарувини такомиллаштириш, ҳокимият тармоқлари ўртасида мувозанат ва ўзаро тўғри туриш механизмларини янада мустаҳкамлаш, жамоатчилик назорати ва фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Қолаверса, жамиятда очиқлик, ҳисобдорлик ва ташаббускорлиқни ривожлантириш учун муносиб шароит яратмоқда.

Янги тахрирдаги Конституция мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини белгилаб берди. Унда иқтисодий ислохотларни, тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини қўллаб-қувватлайдиган, барқарор ривожланишни таъминлаш учун ҳуқуқий кафолат берадиган нормалар салмоғи оширилди. Шу билан бирга, экологияни муҳофаза қилиш, соғлом атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқи конституциявий кафолат сифатида мустаҳкамланиши келажақ авлодлар тақдирига бўлган масъулиятнинг ёрқин ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция халқимиз иродаси, тафаккури ва келажакка бўлган ишончининг ҳуқуқий ифодасидир. У Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида давлат ва жамият раънақини таъминлайдиган, инсон қадрини олий мезон сифатида белгилаб берган тарихий ҳужжатдир.

Конституция асрлар давомида халқимизга хизмат қиладиган, адолат ва тараққиёт йўлида ишончли дастуриламал бўлиб қолади. Унга содиқ қолган ҳолда яшаш ва унда белгилаб қўйилган тамойилларни ҳаётга татбиқ этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

ЎЗА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА ёзиб олди

8-DEKABR – O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI KUNI



Асосий қонуннинг ягона манбаи ва муаллифи ҳаққидир



Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори

Бугун Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислохотларнинг марказида айнан инсон туради. “Авал инсон, кейин давлат ва жамият” деган тамойил инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб бермоқда. Бу жараёнда халқнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик позицияси ва давлат қурилишидаги иштироки тобора ортиб, Конституциянинг асп моҳияти, яъни унинг ягона манбаи ва муаллифи халқ эканлиги яна бир бор намоён бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Конституция халқ иродасидан қувват олади, халқнинг орзу-интилишларини ҳуқуқий меъёрлар шаклида акс эттиради. Шу маънода у нафақат тарихий ҳужжат, балки замон билан ҳамнафас яшайдиган, жамият тараққиёти билан бирга такомиллашиб борадиган тирик қонундир. Ўзбекистон халқининг сиёсий маданияти, тафаккури ва онгидаги юксалиш эса ушбу қонун қадрини янада улуғламоқда.

Конституциянинг халқ иродасига таянувчи ушбу моҳияти, аввало, унинг яратилиш тарихида яққол намоён бўлади. Мустақилликнинг илк йилларида, давлатнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиш зарурати туғилган пайтда Ўзбекистон халқи ўз келажагини ўзи белгилашга бел боғлади. Шу тарика яратилган Конституция янги тарихий босқичга ўтаётган халқнинг бунёдкор тафаккури, адолат ва тараққиётга бўлган қатъий интилишини ўзида мужассам этди.

Бугун эса ушбу жараён янада кенг микёсда, замон талаблари асосида давом этмоқда. Конституциявий ислохотлар халқнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга қаратилган эзгу мақсаднинг ифодасидир. Сўнгги йилларда фуқароларнинг фикри, таклифи ва ташаббуслари қонун ижодкорлиги жараёнининг ажралмас бўлагига айланди. “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган ёндашув Конституциянинг амалий руҳига чуқур сингмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33 йиллиги арафасида Президент фармойишида белгилашган кенг қўламли маънавий-маърифий тадбирлар ҳам бежиз эмас. Уларнинг мақсади Конституция қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш билан бирга, ҳар бир фуқаронинг конституциявий онгини юксалтириш, унда давлат тақдирига дахлдорлик туйғусини мустаҳкамлашдир. Zero, Конституция фақат

бир ҳужжат эмас, у халқнинг ўз кучига бўлган ишончи, келажақни мустақил белгилашга қодир эканининг рамзи.

Халқнинг Конституция яратилишидаги ўрни фақат тарихий факт сифатида эмас, балки бугунги сиёсий ҳаётимизнинг амалий ҳақиқатига айланган. Референдумлар, кенг жамоатчилик муҳокамалари, очиқ эшитувлар ва ташаббусли қонунчилик жараёнлари Конституциянинг ягона манбаи ва муаллифи халқ эканининг исботидир. Фан, таълим, ижтимоий ҳимоя, экология, маҳаллий бошқарув каби соҳаларда конституциявий кафолатларнинг кенгайтирилиши ҳам ана шу халқ иродасининг ҳуқуқий ифодаси сифатида намоён бўлмоқда.

Шу ўринда яна бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаш керак, Конституция жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун тенг имконият ва адолат тамойилларига асосланган мустаҳкам пойдевор яратadi. Унда белгилашган “инсон қадри юқори бош тамойил” бугунги ислохотларнинг асосий мезонига айланган. Бу эса фуқароларнинг эркин яшаши, ўз фикрини эркин билдириш, ҳалол меҳнат қилиш, таълим олиш ва муносиб турмуш кечириш ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ўзгаришларга туртки бермоқда.

Янги Ўзбекистонда ислохотлар жадаллик билан ривожланар экан, аслида биз ўзимизни ўзгартиряпмиз, тафаккуримиз, дунёқарашимиз, келажақка бўлган муносабатимиз янги босқичга кўтарилмоқда. Халқ иштироки, халқ овози, халқнинг давлат бошқарувидаги ўрни кучайгани сайин Асосий қонунимиз янада ҳаётий, янада мазмунли бўлиб бормоқда. Zero, халқнинг фикри тингланадиган, таклифи инобатга олинадиган, ҳар бир фуқароси ўзини давлатнинг тенг ҳуқуқли бунёдкори сифатида ҳис қиладиган жамият – ҳақиқий фуқаролик, демократик жамиятдир.

Бугун Конституциямизнинг ҳар бир банди, нормаси халқ фаровонлиги, адолат, эркинлик ва тенглик учун хизмат қилмоқда. У бизни бирлаштиради, йўл кўрсатади, эртанги кунга ишонч бағишлайди. Шунинг учун ҳам Конституцияни чуқур англаш, унга ҳурмат билан қараш ва унинг устуворлигини ҳаётимизда мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Халқ яратган Конституция – халқнинг энг буюк ютуғи. Уни асраш, ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этиш эса келажақка бўлган масъулиятимиздир. Чунки халқ иродасидан куч олган Бош қонунимиз адолатли жамиятнинг энг мустаҳкам таянчидир.

Янги Ўзбекистонда Омбудсманнинг ўрни



Жаҳонгир ВАЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) Наманган вилоятидаги минтақавий вакили

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш сўнгги йилларда давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Янгилашган Конституцияда “Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шайни ва қадр-қиммати энг олий қадрият” деб белгилашгани бежиз эмас. Бу қоида ҳужжатларда эмас, амалиётда ҳам ўз аксини топиши учун кенг қўламли ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик базаси жиддий такомиллаштирилиб, бир қатор муҳим ўзгаришлар амалга оширилди.

Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида очиқлик ва адолат тамойиллари кучайтирилди, қийноқларга қарши кураш бўйича миллий механизмлар халқаро стандартларга мослаштирилди, ногиронлиги бўлган шахслар, аёллар ва болалар ҳуқуқларига оид янги кафолатлар жорий этилди.

Ушбу ислохотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни фақат ҳуқуқшунослар доирасида эмас, балки кенг жамоатчилик ишончига сазовор умуммиллий вазифага айлантирди.

Янги тахрирда қабул қилинган Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баробарга ошди. Хусусан, Конституциянинг олдинги тахририда инсон ҳуқуқларига бағишланган нормалар 37 тани ташкил этган бўлса, янги Қомусимизда улар сони 98 тага етди.

Конституциянинг энг муҳим жиҳати шундаки, унинг асосий қисмида тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар белгиланди. Демак, фуқаро ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун бирор қонуннинг янгилашсини кутмайди.

Конституция инсон ҳуқуқларини таъминлашда миллий институтларнинг, энг аввало, Омбудсман институтининг ўрни ва вазифаларини алоҳида белгилаб қўйди. Бунда давлат органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширувчи Омбудсманга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи билан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига таклиф билан чиқиши бўлди. Бу ҳуқуқ инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларни бевосита парламент муҳокамасига олиб чиқиш имконини берувчи тарихий қадам ҳисобланади.

Омбудсманнинг аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлаш имкониятлари кенгайтирилди, мурожаатларни кўриб чиқиш ва муносабат билдириш тартиби соддалаштирилди.

2022 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолият юрита бошлади. Ушбу тизим ҳуқуқбузарликларни жойларда аниқлаш, аҳоли муаммоларини манзилли ўрганиш ва тезкор ечим топишда катта самара бермоқда.

Омбудсманнинг минтақавий вакиллари аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлида “Омбудсман мактаби”, “Омбудсман соати” тадбирлари ўтказиб, аҳолига, жумладан, ёшларга Конституцияда белгилашган ҳуқуқ ва эркинликларнинг моҳиятини тушунтирган ҳолда уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширмоқда.

Жумладан, Омбудсманнинг Наманган вилоятидаги минтақавий вакили ташаббуси билан ёпиқ муассасалар ҳамда тергов ҳибсхонасида “Хунармандчилик” ва “Ошпазлик” йўналишларида ўқув курслари ташкил этилиб, 363 нафар маҳкумларга турли йўналишлардаги сертификатлар топширилди. Бу эса озодлиги чекланган шахсларнинг Конституциядаги ҳуқуқларининг таъминланиши ҳамда уларнинг озодликка чиққанидан сўнг жамиятга ўз ўрнини топишга катта имконият яратди.

Бундан ташқари, “Инсон” ижтимоий хизматлар агентлиги ҳузуридаги “Мурувват” интернатидаги ногиронлиги бўлган 17 нафар шахсларга идентификация – ID карталарининг берилиши таъминланди.

Мурожаатларнинг жойида хал этилаётгани эса аҳолининг давлатга бўлган ишончининг янада ошаётганидан далолатдир.

Бош Қомусимизда инсон ҳуқуқларининг энг олий қадрият сифатида белгилаб қўйилганлиги мазкур ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этувчи асосий институтлардан бири – Омбудсманнинг ваколати ва вазифалари ижро этилишидир.

Омбудсман институти инсон ҳуқуқларини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва давлат органларининг масъулиятини ошириш йўлида муҳим бўлибгина айланди.

Хулоса қилиб айтганда, Конституция ва амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади инсон қадри улуғланган, ҳуқуқлари кафолатланган, адолат устувор бўлган жамиятни барпо этишдир.



ҚУТЛАЙМИЗ!

УШБУ МАҚОЛА ГАЗЕТАМИЗ САҲИФАСИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАЁТГАН ПАЙТДА БИР ХУШХАБАРДАН ВОҚИФ БЎЛАДИК .

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 33 йиллиги муносабати билан жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш, юрtdошларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга қўшаётган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ юрtdошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан мукофотланди.

Қувонарлиси, эътироф этилганлар орасида **“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Озода ПАРПИБОЕВА** ҳам бор. Партиядошимиз **“Бенуқсон хизмати учун”** кўкрак нишони билан тақдирланди.

Устозни узоқ йиллик самарали меҳнат эътирофи билан барча адолатчилар номидан самимий қутлаймиз!

ТАЪЛИМ АСОСИНИ МУСТАҲКАМЛАГАН ҲУҚУҚИЙ НОРМА

Озода ПАРПИБОЕВА, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари

Шу кунларда мамлакатимиз бошқарувининг ҳуқуқий пойдевори, давлатчилик тафаккури ва замонавий янгиланишларнинг бош манба бўлиб хизмат қилаётган Конституциямиз қабул қилинганининг 33 йиллигига қизгин ҳозирлик кўрмоқдамиз. Тан олиш керакки, миллий тараққиётимиздаги демократик ислохотлар чуқурлашган илмий-амалий босқич сифатида Бош қомусимиз халқ иродаси, ижтимоий барқарорлик ва барча учун тенг имкониятлар бормоқда. Демак, Бош қомусини чуқур англаш – фақат юристлар ёки давлат органлари вазифаси эмас, балки ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оиланинг, ҳар бир жамоанинг манфаатига дахлдор масала.

Маълумки, янги таҳрирдаги Конституцияда бошқа соҳалар қатори хотин-қизлар ва ёшлар масаласига алоҳида устуворлик берилган. Бу тасодиф эмас – замонавий жамиятнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, тенглик принципларини мустаҳкамлаш ва социал адолатни амалда таъминлашнинг асосий шартидир. Янги таҳрирда хотин-қизларни камситишнинг барча шакллари кескин рад этилгани, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини кўтаришга доир кафолатлар белгилангани, оила ва меҳнат муносабатларида тенг ҳуқуқ ва тенг имкониятлар принциплари очик-ойдин мустаҳкамлангани, ёшлар манфаатини ҳимоя қилувчи давлат сиёсати конституциявий мақомга эга бўлгани мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш йўлида ўзгаришлар изчиллик билан амалга оширилаётганини кўрсатади.

Шунингдек, таълим-тарбия, муаллимлар масаласи ҳам алоҳида қиритилгани эътирофга лойиқ ижобий ҳодиса бўлди. Яъни янги Конституциямизнинг 52-моддасида **“Ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, баркамол авлодни тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойиштишининг асоси”**, дея эътироф этилиши ва давлатнинг **“Ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳамда моддий фаровонлиги, касбий ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш”** мажбуриятини қонун даражасида белгилаб қўйгани – мамлакат тараққиётидаги чуқур ёндашув, узоқ муддатли стратегик фикр ва халқаро амалиёт билан уйғун сиёсий қарор эканини исботлади. Бу норма айна пайтда ҳуқуқий қоида эмас, балки жамиятнинг келажака қарашини шакллантирувчи маффуравий тамойил, давлатнинг инсон капиталини ривожлантиришдаги устувор йўналишини белгилаб берувчи дастурий асосдир.

Дунёда қайси мамлакатлар илмий салоҳияти, инновацион ривожланиши ва ижтимоий барқарорлиги билан ажралиб турса, уларнинг барчасида ўқитувчи шахсига юқори эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Масалан, Финляндия таълим тизими дунёда энг илгор ҳисобланади. Уларда ўқитувчи – жамиятда энг нуфузли, энг ишончли касблардан бири. Касбий танлов учун талаблар юқори, давлат томонидан моддий рағбат, ижтимоий ҳимоя, меҳнат шароитлари ҳам энг юқори даражада таъминланган. Шу боис фин

52-МОДДА.
Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойиштишининг асоси сифатида эътироф этилади.
Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади.

Ўқитувчиси фақат дарс бермайди, балки жамиятнинг маънавий етакчиси сифатида фаолият юритади. Сингапур қудрати айнан инсон капиталига боғлиқ экани англаб етилган. Сингапур ўқитувчилари давлат хизматчиларининг энг юқори 25 фоизи орасида маош олади, малака ошириш доимий ва мажбурий, энг яхши кадрлар таълим тизимида жалб қилинади.

Япония амалиёти. Бу мамлакатда ўқитувчи – “миллат тарбиячиси” сифатида қабул қилинади. Унинг қадр-қиммати маданий меъёр сифатида қонун даражасидан ҳам юқори. Давлат уларга барқарор маош, ижтимоий кафолатлар, доимий малака ошириш имкониятларини яратлади. Бу мисоллар шундан далолат берадики, жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари ўз келажагини муаллимларга боғлайди. Чунки иқтисодий ўсиш, инновациялар, ижтимоий барқарорлик – барчаси ўқитувчи тайёрлаган авлоднинг салоҳиятига бориб тақалади.

Аслида, муаллим мақомига берилган бу эътироф – мамлакатнинг стратегик истиқболи учун қабул қилинган энг муҳим сиёсий қарорлардан биридир. Чунки қайси жамият ўз ўқитувчисини эъзозласа, ўша жойда ислохотлар пойдевори мустаҳкам бўлади, интеллектуал салоҳият ошади, авлодлар ўртасидаги ишонч ва масъулият узвий боғланади. Олдимизда эса таълим тизимида касбий стандартларни ошириш, педагогнинг ижтимоий мавқеини янги босқичга кўтаришга хизмат қилиш вазифаси турибди. Энг муҳими, ўқитувчини қўллаб-қувватлашга қаратилган конституциявий кафолатлар амалий ҳаётга тўла татбиқ этилганда, у жамиятнинг маънавий барқарорлиги, ёшларнинг келажака ишончи ва мамлакат тараққиётининг ҳақиқий мезонига айланади.

ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК — МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ ВА КЕЛАЖАК АВЛОД ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Бугунги глобал иқлим ўзгаришлари ва урбанизация шароитида экологик хавфсизликни таъминлаш масаласи нафақат табиати муҳофазаси қилиш, балки инсоннинг яшаш ҳуқуқи, саломатлиги ва келажагини ҳимоя қилишга оидлиги билан аҳамиятлидир.

Пойтахтимиз – Тошкент шаҳрида сўнгги вақтларда кузатилаётган экологик вазият, ҳаво сифатининг ўзгариши ва унинг аҳоли саломатлигига салбий таъсири кечиктириб бўлмас, қатъий ва тизимли чораларни талаб этаётган эди.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган **“Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”**ги фармон давлат сиёсатида инсон манфаатлари ва аҳоли саломатлиги ҳар нарсадан устун эканлигининг яққол тасдиғи, айни вақтида қабул қилинган ҳаётий ҳужжат бўлди.

Фармонга мувофиқ, Тошкент шаҳрида экологик вазиятни яхшилаш бўйича Махсус комиссия тузилиши ва унга кенг ваколатлар берилиши, шунингдек, атмосфера ҳавосини яхшилашга қаратилган кенг қамровли чораларнинг қурилиши белгиланганлиги мавжуд муаммони ҳал этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини аниқлатади.

Шу билан бирга, тан олиш керак, экологик муаммоларни фақатгина маъмурий чек-

ловлар ва комиссия қарорлари билан тўлиқ ҳал этиб бўлмайди. Бу жараёнда қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлиги тамойили ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

“Адолат” социал-демократик партияси ўзининг Сайловолди дастурида атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш масаласини устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, партия фармонда белгиланган устувор мақсадларга эришиш мақсадида йўл харитасини ишлаб чиқди ва ушбу чора-тадбирлар доирасида қўйидагиларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Биринчидан, экология соҳасидаги қонунчиликни қайта қўриб чиқиш ва кескинлаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқамиз.

Биз очик айтишимиз керак: бугунги кунда атроф-муҳитга зарар етказганлик учун белгиланган жарималар ва маъмурий чоралар қўтилган натижани бермаяпти. Афсуски, кўп ҳолларда тадбиркорлар ёки қурувчилар учун дарахтни кесиб, ўрнига арзимас жаримани тўлаб, ўз биносини қуриш иқтисодий жиҳатдан “фойдалирок” бўлиб қолмоқда.

Бу – қонунчиликдаги бўшлиқ ва ўз навбатида, атроф-муҳитга, аҳоли саломатлигига нисбатан адолатсизликдир, бундай қилмиш оддий ҳуқуқбузарлик эмас, балки оғир жиноят сифатида баҳолашни зарур.

Иккинчидан, дарахтларни ноқонуний кесиш, яшил ҳудудларни йўқ қилиш, ҳаво ва

сувени қасддан ифлослантириш ҳолатлари учун фақатгина жарима ёки маъмурий жазо эмас, балки озоқликдан маҳрум қилишгача бўлган жиддий жиноий жавобгарликни белгилаш бўйича ташаббусларни илгари сурамиз.

Қайд этиш жоизки, халқаро тажрибада ҳам экотизимнинг издан чиқишига сабаб бўлган халқаро-ҳаракатлар оғир жиноят сифатида баҳоланади. Европа иттифоқи ҳудудида содир этилган экологик жиноятлар учун 10 йилгача озоқликдан маҳрум қилиш, 40 миллион еврога қадар жиноий жаримага тортиш жазоси белгиланган.

Россия Федерацияси, қўшни қардош давлатларда ҳам атроф-муҳитга зарар етказганлик учун кескин жазо чоралари белгиланган.

Зотан, экологик жиноятлар учун енгил жазога йўл қўйиб бўлмайди, аксинча, бу борада қатъий ва қаттиқ жазо чоралари – бугунги кун талабидир.

Учинчидан, электротизимнинг барча вакиллари билан учрашувлар ва давра суҳбатларида юртимизда атроф-муҳитни асраш ва атмосфера ҳавосини яхшилашда нафақат давлат ташкилотлари, жамоатчилик вакиллари балки барча фуқароларимиз ҳам фаол иштирок этиши борасида кенга қамровли тушунтириш ишларини олиб борамиз.

“Адолат” социал-демократик партияси Ахборот хизмати

ПАРТИЯМИЗ ВАКИППАРИ ҚИРҒИЗ ПАРЛАМЕНТИ САЙЛОВИДА



Олий Мажлис Сенати қўмитаси раиси, “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши аъзоси Қутбиддин Бурхонов ва Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жонибекова Қирғиз Республикасида мuddатидан олдин бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этишди. Бунда Жоқору Кенеш – қирғиз парламентига сайлов жараёнлари ўрганиш мақсадида сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёни, сайловчилар фаоллиги ва ташкилотчилик даражаси билан яқиндан танишишди.

Маълумот учун, Қирғиз Республикаси сайлов тизимида кўра, ҳар бир кўп мандатли округдан 3 нафар депутат мажоритар усулда сайланади. Жами 90 мандатдан иборат парламентда камида 30 ўрин аёллар учун кафолатлангани қонунчиликда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган муҳим қадам сифатида эътироф этилади.

Кузатув давомида сайловчилар учун қулай шароитлар яратилгани, электрон овоз бериш тизими кенг жорий этилгани, аҳоли, хусусан, ёшлар фаоллиги сезиларли ошгани қайд қилинди. Шунингдек, Қутбиддин Бурхонов ва Нодира Жонибекова МДХ ПА миссияси аъзолари билан биргаликда Қирғиз Республикаси Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти билан учрашувда иштирок этишди. Суҳбат чоғида сайловга тайёргарлик, қоидабузарликларни олдини олиш механизмлари, сайлов қонунчилигидаги янгиланишлар ҳамда халқаро кузатувчиларни қизиқтирган масалалар юзасидан батафсил маълумотлар берилди.

“Адолат” социал-демократик партияси Ахборот хизмати

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

“АГРОБАНК”НИНГ ПОП ФИЛИАЛИ

ЖАМОАСИ

жаннатмонанд Ўзбекистон халқини,

шу жумладан, республикаимиз банк тизимида

хизмат қилаётган ҳамкасбларини

Бош қомусимиз —

мамлакатимиз Конституцияси

қабул қилинганлигининг

33 йиллиги билан муборақбод этади!

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

KONSTITUTSIYASI

КОНСТИТУЦИЯ РЕСПУБЛИКИ

УЗБЕКИСТАН

THE CONSTITUTION OF THE

REPUBLIC OF UZBEKISTAN

ҚУТЛОВ

Юртимиз осмони мусаффо бўлсин, байрамлар тўю тантаналарга улансин!

Депутат муаммони ўрганди



Куз-қиш мавсуми бошланиши билан дори-хоналардаги нархлар барқарорлигига путур етди. Асосий дори воситалари нархининг кескин ошиб бораётгани халқимиз кайфиятига салбий таъсир этмоқда.

Муҳиддин ОМАД,
Наманган вилояти кенгаши матбуот котиби

Аҳоли билан мулоқотларда бир жиҳат эътиборимизни тортди. Одамлар нархнинг ошишидан эмас, бунинг сабаби очикланмаслигидан кўпроқ ранжийди. Бир хил дори воситалари ёнма-ён икки дорихонада 100 минг сўм, баъзан ундан ҳам кўп фарқ билан сотилаётгани кишини ўйга толдиради. Ушбу муаммонинг асл сабабларига ойдинлик киритиш мақсадида **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дилмурод Исмоилов** Наманган шаҳрида ўрганиш ўтказди, аҳоли билан мулоқот қилиб, дорихона бозоридаги вазиятни ўрганди.

Ўрганиш масаланинг яна бир оғриқли жиҳатини кўрсатди: шифокорлар турли фармацевтика компанияларининг номи ва логотипи туширилган махсус бланкаларга, ўша фирма ишлаб чиқарган дорилар асосида рецепт ёзишмоқда. Уларнинг кўпчилиги арзон, самарали дори воситалари эмас, аксинча, нархи қиммат препаратлардир.

Ачинарлиси, одамлар фарзанди бемор ётганида унинг соғайиши учун борини беришга тайёр бўлади. Шифокорга ғайрихитиёрий шуур билан ишонади. Халқ ишончини суиистеъмол қилиш бориб турган виждонсизлик эмасми?

Аслида бу бир ҳудуднинг эмас – тизим муаммоси. Демак, дори-дармон айланмасини назорат қилишда катта бўшлиқ бор.

Саволлар туғилади:

– Қачон дори бозор эмас, давлат кафолатлида стратегик соҳага айланади?

– Қачон фармацевт савдогар эмас, халқ ғамхўри бўлади?

– Қачон шифокор ва дорихона ўртасидаги ноқонуний, шубҳали “келишув”ларга чек қўйилади?

Депутат Дилмурод Исмоилов мурожаатчилар фикр-мулоҳазасини эшитиб, бир хил дорининг турли дорихоналарда турлича нархда сотилиши масаласи бўйича ҳам ўз муносабатини билдирди: “Одамлар саломатлиги бозор ўйини бўлмастлиги керак. Дори нархини импортёр, дистрибьютор ва дорихона босқичларида очик ҳисобот билан белгилаш зарур...”

Депутатнинг энг муҳим таклифларидан бири – дори нархларини жамоатчилик билан биргаликда кузатиш зарур. Аҳоли шаффоф нархни кўра олса, ортиқча шубҳага ўрин қолмайди. Айниқса, гипертония, юрак-қон томир, диабет ва шамоллашга қарши асосий дорилар учун барқарор ва назоратга олинган қатъий нарх белгиланиши керак.

Халқ вакилининг ҳам, журналистининг ҳам вазифаси муаммоли масалага ечим топиш ва одамларнинг кундалик таъшишига ечим излашдан иборат. Уйда боласининг иситмаси кўтарилиб ётган киши арзон дорихона излаб, бамайхотир юра олмайди. Унинг хаёлида зарур дорини тезроқ топиш керак, деган мақсад туради.

Шундай пайтда нархнинг турлича бўлиши фақат ҳафсалани пир қилади, ҳолос. Бизнингча, бу муаммони ҳал қилиш учун нархни очик қўйиш энг тўғри йўлдир. Токи, халқ нархи арзон дорихона излаб, овора бўлиб юрмасин.

Депутат Дилмурод Исмоилов аҳоли томонидан билдирилган таклифларни умумлаштириб, қуйидаги фикрларни илгари сурди:

Биринчидан, НАЗОРАТНИ КЕСКИН КУЧАЙТИРИШ – МОНИТОРИНГНИ ФОРМАЛ ЭМАС, ВОКЕЛИККА ЯҚИН МЕХАНИЗМГА АЙЛАНТИРИШ;
Иккинчидан, ЯГОНА НАРХ СИЁСАТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ – БИР ТУРДАГИ ДОРИ

МАМЛАКАТНИНГ ИСТАЛГАН НУҚТАСИДА БИР ХИЛ НАРХДА БЎЛИШИ ШАРТ; УЧИНЧИДАН, “ШИФОКОР-ДОРИХОНА” КЕЛИШУВИГА УЗИЛ-КЕСИЛ ЧЕК ҚЎЙИЛИШИ КЕРАК;
Тўртинчидан, ЛИЦЕНЗИЯ ТИЗИМИНИ ҚАТЪИЙЛАШТИРИШ – ҚОНУННИ БУЗГАН ДОРИХОНА ЁКИ ШИФОКОР ЖАРИМАГА ҚЎШИМЧА ЛИЦЕНЗИЯСИДАН ҲАМ МАҲРУМ ЭТИЛИШИ КЕРАК.

Депутат таклиф қилган ушбу ташаббуслар аҳоли билан давлат ўртасидаги ишончини янада мустаҳкамлайди. Дорихонанинг ўзидан тортиб, токи нарх қўйилгунга қадар бўлган жараён кузатиб борилса, суиистеъмоллик камаюди.

Учрашувда бир мурожаатчи “Мен нархлар ўзгариб туришини тушунаман, лекин “нега?” деган саволим бор, шуни билишни истайман” деди. Демак, ана шу “нега”га жавоб топиш – депутатнинг ҳам, массул идораларнинг ҳам вазифасига киради. Чунки сабаб халққа тушунтирилмаса, адолат қарор топмайди.

Фикримизча, очик мониторинг ишлари мамлакат миқёсида тизимга солиниши керак. Чунки одамларни қийнаётган нарса – дори етишмаслиги эмас, балки дорини адолатли нархда топиш муаммоси. Шунинг учун асосий талаб битта – дорининг нархи ҳам, унинг ортидаги сабаблар ҳам халқ учун очик бўлсин.

Табобат илмига асос солган буюк табиблар – инсон саломатлиги, даволаш, тиббиёт назарияси ва амалиётининг шаклланишига беқиёс ҳисса қўшган алломулардир. Нафақат шарқнинг, балки жаҳон тиббиёти ривожига ҳам улкан ҳисса қўшган табобат асосчилари инсонга шифо бағишлашни энг улуғ савоб, энг пок ният деб билишган. Бугунги кун шифокорлари, доришунослари, дорифурушлари улуғ аждодларимиздан ўрнак олиб, одамлилик қадриятларига амал қилишса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тўғри, сўнгги йилларда миллий фар-

мацевтика саноатимиз жадал ривожланмоқда. Кўпчилик дори воситалари ўзимизда ишлаб чиқариляпти. Айни замонда мамлакатда икки юздан ортиқ фармацевтика корхоналари фаолият юритаётгани фикримиз тасдиғидир. Лекин ривожланишнинг нарх сиёсатида акс этмаётгани ушбу ютуқларга соя солмоқда.

Масаланинг яна бир жиҳати. Шифохонага ётиб, даволаниш учун борган бемор биринчи ўринда маиший коррупция балосига йўлиқади. Ваҳоланки, ҳар эшикка “БИЗДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЕПУЛ!” деган хитоб ёзиб қўйилган.

Диагностика хизматлари нархи ҳам турлича. Оддий жарроҳлик амалиёти учун 5-10 миллион сўм талаб қилинади. Хорижда даволаниш эҳтиёжи туғилса, “уртакашлар” майдонга чиқади. Бунинг учун 50-60 минг доллар атрофида ҳақ тўлайсиз. Бу энди тиббиёт эмас, савдо! Тизимдаги “кўринмас қўл”нинг ҳаракати. Натижада нималар юз беради? Албатта, дори қимматлашади, хизмат бадоси ошади, охир-оқибат барча юк дарҳида даво излаётган бемор зиммасига тушади.

Галнинг индаллосини айтадиган бўлсак, инсон саломатлиги ҳисобидан фойда қўриш иллати жамиятни ичидан емиради. Тиббиёт шифохонадан эмас, бозордан бошқарилса, шифо эмас, савдо юради. Бу эса фақат иқтисодий муаммо эмас, балки маънавий ва ижтимоий таназзулнинг бошланишидир.

Содда, самимий ва меҳнаткаш халқимиз арзон, сифатли, шаффоф тиббий хизматга муносиб. Бунда адолат тикланмаса, инсон қадрининг ҳам қиймати тушиб боради. Бизга “кўринмас қўл” эмас, кўринган адолат, виждон ва инсоф керак. Шу ҳақиқат тикланган кунда дори бозоридаги иллатлар ҳам, даволаш маскандаги таъмагирлик ҳам барҳам топади.



Хусусий секторда ишловчи аёлларга

декрет пули тўланади

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида аёллар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналикни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий адолатни таъминлаш йўналишида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Аёллар давлат корхоналари, ташкилот ва муассасаларидан ташқари хусусий секторларда ҳам фаолият кўрсатмоқдалар.

Садоқат ШЕРМАТОВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

Бу жамият ривожланиши, камбағалликни қисқартириш, ишсизлик даражасини камайтириш ва oilаларнинг моддий эҳтиёжларини тўлақонли қоплаш учун муҳим ҳисобланади. Ушбу соҳада, яъни хусусий секторда ишловчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўланишини тўлиқ жорий этиш тизими ишлаб чиқилган.

Президент фармонида мувофиқ 2022 йил 1 сентябрдан хусусий секторда банд аёлларнинг ҳомиладорлик ва туғиш нафақасининг бир қисми – 1 992 000 (бир миллион тўққиз юз тўқсон икки минг) сўми бюджетдан компенсация қилина бошланди.

Бунинг учун маълум талаблар бор:

- ✓ **нафақага талабгор аёл камида узлуксиз 6 ой давомида ўша корхонада ишлаган бўлиши керак;**
- ✓ **ягона меҳнат тизимида расман банд бўлган, корхона томонидан меҳнат дафтарчаси очилган ҳамда унинг буйруқлари корхона томонидан қиритилганлиги ҳисобга олинган бўлиши зарур;**
- ✓ **6 ой давомида аёлнинг Давлат солиқ қўмитаси маълумотлар базасида даромадлари ва солиқ тўловлари акс эттирилган бўлиши керак;**
- ✓ **нафақа фақатгина 2022 йилнинг 1 сентябридан бошлаб декретга чиққан аёлларга тўлаб берилади.**

Юқоридаги 2 миллионга яқин сумма бюджет томонидан тўланади, нафақанинг қолган қисми эса иш берувчи томонидан тўланиши шарт. Иш жойининг давлат ташкилоти ёки муассаса эмас, хусусий сектор эканлиги нафақанинг тўланишини чекламайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 314-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Давлат ижтимоий сўғуртаси тўғрисида”ги қонуни қучга кирди. Мазкур қонунга мувофиқ, ижтимоий сўғурта тизими барча расмий меҳнат фаолияти билан банд фуқароларни, шу жумладан, хусусий секторда ишловчи аёлларни ҳам ўз ичига олади.

Ташкил қилинган тизимни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолатни таъминлаш йўлида янги ғоялар, фикрлар илгари сурилмоқда. Президент 2025 йил 29 октябрь куни ижтимоий сўғурта тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди. Тақдимотга кўра, хусусий секторда банд бўлган аҳолининг аксариятига ҳомиладорлик, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик ва ишдан бўшаш нафақалари тўлаб берилмаётганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 ноябрдаги ПФ-206-сонли фармонида асосан расмий банд бўлган барча шахсларга нафақалар босқичма-босқич, 2026 йил 1 январдан бошлаб аёлларга ҳомиладорлик нафақаси, 2026 йилнинг иккинчи ярмидан вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари иш берувчилар эмас, ижтимоий ҳимоя жамғармаси томонидан проактив тизимда тўлаб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, бу фармон нафақат расмий банд бўлган аёллар, балки иш берувчилар, тадбиркорлар учун ҳам қўлайлик ва имтиёз бўлди. Декрет пуллари иш берувчилар томонидан тўланганда, тўловлар кўп ҳолларда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизмат таннархининг ошиши муаммосига олиб келар эди. Таннархнинг ошиши эса рақобатбардошликка сезиларли таъсир кўрсатади. Юқоридаги фармон бу муаммонинг амалий ечими бўлиб хизмат қилди.

Қолаверса, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий таъминотнинг минимал нормалари тўғрисида”ги ва “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги конвенцияларига мувофиқ, туғиш ва касаллик бўйича нафақалар ижтимоий сўғурта механизмлари орқали тўланиши белгиланган. Ҳукуматимиз томонидан жорий этиладиган тизим ва ташаббуслар аёллар меҳнатини янада қадрлаш, хусусий секторларда фуқароларнинг меҳнат шартномаси орқали расмий иш олиб боришини рағбатлантириш, оналикни ҳимоя қилиш, хусусий секторларда меҳнат шартноларини яхшилашга хизмат қилади. Фуқароларнинг оғир ҳаётий вазиятларда даромадсиз қолишининг олдини олади ҳамда уларнинг камбағалликка тушиб хавфини камайтиради. Юқорида кўрсатилган фармон ва қарорларга кўра, фаррош, сотувчи, тикувчи ёки салончи бўлишдан қатъи назар, расмий ишлаётган аёллар давлат кафолати асосида декрет пулини тўлиқ олишга ҳақли.

Жиноятга жазо муқаррар

ОСМОНГА “УЧГАН” 4100\$

Одамлар кўпинча қонунларни яхши билимаслиги, қандай ҳақ-ҳуқуқи борлигига қизиқмаслиги туфайли алданиб қолишади ва ҳатто билиб-билмай жиноят кўчасига ҳам кириб қолишади.

Алишер ЖАЛИЛОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг раиси

Кўп ҳолатларда фуқароларга ҳуқуқий билимсизлик панд беради. Бугунги кунда энг кўп учраётган ҳуқуқбузарликлардан бири фирибгарлик билан боғлиқ. Пойтахтимизда яшовчи Холид Фарҳодов (*исм-фамилиялар ўзгартirilган – тахририйат*) ҳам алдовларга ишониб, чув тушганлардан бири.

– Ўтган йилнинг охирларида танишим Салим Содиков машина олаётганлигини айтди, – дейди судда жабрланувчи Х.Фарҳодов – У менга ҳам машина олишни таклиф қилди. Мен унга ўйлаб

кўришимни айтдим. Маълум муддат ўтгач розилик билдириб, у билан Олмазор тумани “Себзор” мавзесида кўришдик. У мени “Жентра” русумли автомашинани жами 12500 АҚШ долларига сотиб олишга ва бошлангич тўлови учун 4000 АҚШ доллари беришга кўндирди.

У билан келишилган вақтда Сергели тумани “Ўзғариш” мавзесидаги кўприк олдида учрашиб, унга 3900 доллари бердим. Икки кундан кейин қолган 100 доллари ҳам бердим. Салим мени февраль ойининг

бошига қадар “Жентра”ни олмасиз, деб ишонтирди. У мендан яна 100 АҚШ доллари сўради, бердим. Шундан кейин Салим Содиков менга “вақтинча ҳайдаб туринг”, дея “Спарк” автомобиласини берди. Орадан тахминан икки ой вақт ўтди. Бир куни нотаниш одам келиб, “Спарк”ни олиб кетди. Кейин билсам, у машинанинг эгаси экан. Мен С.Содиковга телефон қилиб, вазиятни айтдим. У телефонни босиб қўйди. Кейин эса телефонини мутлақо ўчириб қўя қолди. Шундагина мен алданганимни, шунча пулим осмонга учиб кетганини тушундим. Алданганлигимни сезганимдан кейин “102”га ёрдам сўраб телефон қилдим.

С.Содиковни қўлга олишди, аммо ханузгача менга етказилган 4100 АҚШ доллари микдоридаги моддий зарар қопланмаган. Шунинг учун пулимни ундириб, унга қонуний чора кўришингизни сўрайман.

Судланувчи Салим Содиковнинг таржимаи ҳолига назар ташлайдиган бўлсак, эссизгина ёшлик, эссизгина умр, дейсиз. 26 ёшли С.Содиков муқаддам судланган, хавфли рецидивист, деб топилган. У ўзгаларни алдашни “касб” қилган.

– Айбимга тўлиқ иқорман, – деди судда судланувчи. – Холид Фарҳодовдан машина олиб бераман, деб 4100 АҚШ доллари олганлигим рост. Пуллари эса “еб” юбордим. Ҳозирда қилган ишимдан пушаймонман. Зарарни тез кунларда қоплайман. Бундан буён бундай ишга қўл урмайман. Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, енгилроқ жазо беришингизни сўрайман.

Суд барча жиҳатларни эътиборга олди. Унга 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Салим Содиков жазони қаттиқ тартибли колонияда ўтайдиган бўлди.

Жиноятчи жазосини олди, аммо унга ўхшаган фирибгарлар ўз имкониятларидан, ҳуқуқларидан тўғри фойдаланишни билмаган қанча одамни алдашар экан? Хушёр бўлинг, одамлар, фирибгарларга алданиб қолманг!

ЎТМИШ ВА БУГУН



ТАРИХ ҲУВОҲЛИК БЕРГАН ҲАҚИҚАТЛАР

(Иккинчи мақола)

Мустафо Чўқай халқимиз, юртимиз озодлиги, эрки учун ана шундай улуғвор ишларни амалга оширганига қарамай унинг сиёсий фаолияти ва илмий меросини ўрганиш ўтган асрнинг 80-йиллари охири, 90-йиллар бошидан, аниқроғи, шўролар мустамлакачилиги барҳам топгандан кейин бошланди.

Камол МУҲАММАД ЁҚУБ,
журналист

Унинг “1917 йил, хотира парчалари” асари 1988 йилда Анкарада турк тилида, 1989 йилда Германияда, 2001 йилда Токиода, Москвада рус тилида нашр этилди. Бу асар республика-мизда 1992 йилда адабиётшунос олим Беғали Қосимов тахрири остида “Истиқлол жаллодлари” номи остида чоп қилинди. Олим Озод Шарофидиновнинг “Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим” асари 1993 йилда босмадан чиқди. 2019 йилда “Туркистон миллий ҳаракати ва Мустафо Чўқай” хотира-лар тўплами ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилди. Қозоғистонда 1999 йилда “Тан-ланган асарлар” тўплами 2 жилд ҳолда, 2014 йилда “Тўла асарлар” тўплами 12 жилд тарзда нашрдан чиқарилди.

Яқинда Мустафо Чўқайнинг яна бир китоби – “Совет иттифоқининг Турк дунёси сиёсати” мақолалар тўплами Истанбулда “Шарқ кутубхонаси” туркумида ўзбек тилида қиррил ва лотин алифболарида нашрдан чиқди. Кито-бга атоқли сиёсатчининг “Rometey” журналида француз тилида чиққан 120 та мақоласидан 41 таси таллаб олиниб қиртилган. Аввал бу мақола-ларни туркиялик чўқайшунос олим, та-рих фанлари доктори Абдулваҳоб Қора француз тилидан турк тилига ўйрган ва китоб ҳолида нашр қилдирган. Ана шу нашр асосида тўпламдаги мақола-ларни таржимон Назарбек Раҳим тили-мизга ўйрган. Китобга тарих фанлари доктори, профессор Қарамон Ражабов масъул муҳаррирлик қилган.

Тўпламга, ҳақиқатан ҳам, Мустафо Чўқайнинг энг яхши мақолалари, тари-химизни ҳолис, ҳаққоний акс эттирувчи асарлари танлаб олинган. Уларни ўқир экансиз, кўз ўнгизда XX асрнинг 20-30-йилларида Шарқнинг маркази Ўрта Осиёда, Туркистонда рўй берган асл ҳақиқатдан гувоҳлик берувчи воқеа-лар жонлана бошлайди.

Маълумки, шўролар матбуотида большевиклар давлати Туркистонда ўз ҳукмронлигини ўрнатишда, Бухоро амирлиги, Хива хонлигини йўқ қилишда бу ердаги меҳнаткаш омма, деҳқонлар орзу-истакларига қараб иш тутганлари тўғрисида кўп ёзилган. Аслида шундай бўлганмикин? Атоқли сиёсатчи “Бухо-родаги воқеалар” мақоласида ана шу алдовнинг моҳиятини очиб беради. У “Ёш бухороликлар”, “Ёш хиваликлар” амирлик ва хонликини йўқ қилишда большевиклар учун асосий восита бўл-ганлигини, лекин орадан кўп ўтмай бу ташкилотларнинг аъзолари шўролар давлати томонидан қирғин қилинганли-гини ёзади. Бухоро ҳам, Хива ҳам қизил кўшинлар томонидан босиб олинганида халқ қирғинга учрагани, бу шаҳарлар талангани ва вайрон қилингани ҳикоя қилинади.

Китобдаги “Русиянинг сиёсати ва Туркистондаги миллий ҳаракат” деб

муриятининг туркий халқлар орасига ниқоқ тухумларини экиди ва бу улар-нинг бирликлари бузилишига сабабчи бўлди”. Советларнинг “миллий чегара-ланиш” сиёсати ана шундай тарзда, бу ердаги халқлар яшаётган ҳудудларнинг бўлинишига хилоф равишда амалга оширилди.

Тарихий фактлардан маълум бў-лишича, совет ҳокимиятида жамоа-лаштириш сиёсати 1930 йилнинг бошларида киришिलाди. Шўроларнинг ишлаб чиққан режаларига кўра, жамоа ҳўжалликларида бирор инсоннинг шах-сий буюми бўлмайди, ҳамма нарса ўр-тада бўлади. Ҳар элликта оилга бир масъул белгиланади. Бу масъул озик-овқат тайёрлаш ва бошқа зарур буюмлар таъминоти билан шуғуллана-ди. Ҳар ўнта оиланинг ихтиёрига битта қозон берилади ва бир аёл уй-рўзгор ишлари, овқат тайёрлаш билан банд бўлади. Натижада ўнта аёлдан тўққизтаси уй-рўзгор ишларидан озод бўлиб, эркаклар билан биргаликда со-циалистик қайта қуриш жабҳасида фа-олият юритадилар. Яъни, аёллар ҳам жамоалашадилар. Большевикларнинг жамоалаштириш шақли ана шундай эди. Мана шу ўринда М.Чўқай советлар мамлакатининг “бир бахтли фуқароси” билан шўроларнинг “жамоалаштирувчи” вакили ўртасидаги “Енбекчи қозоқ” газе-тасининг 1930 йил 20-март сониде эълон қилинган суҳбатни келтиради:

– Болаларни қандай қилиб онасиз қолдириш мумкин?
– Болалар ҳукумат қарамоғига оли-нади. “Жамоамиз”нинг болалари Куз-минка қишлоғида таълим оладилар.
– Эр-хотинлар учун яшаш, ҳаёт қандай бўлади?
– Бу ерда эр-хотинлар бўлмайди. “индивидуал мулклар”га келсак, бундай бирликда яшаш бўлмайди. Барча аёл-лар махсус дафтарларга рақамлар би-лан рўйхатга олинадилар. Эркакларга ҳам рақамлар берилади ва шу рақам-лар бўйича эркаклар ва аёллар учра-шадилар...”

Бу шаклдаги жамоалаштириш сиё-сати муваффақиятли бўлмади, бўла олмас ҳам эди. Шу сабаби М.Чўқай бундай деб ёзади: “Сталиннинг ўзи ҳам бу тарзда рақамга кўра аёл из-лаш услубига тоқат қила олмаган-ини ва шу сабабли коммунистларга “Ютуқлардан эсанқираш” сарлаҳали машҳур очиқ мактубни ёзганлигини унутмаслик керак. Ва натижалар ҳақиқий бир сюрприз бўлди: колхоз-лар, жамоа ҳўжалликлари тарқала бош-лади. Туркистоннинг ҳамма жойида “коллективистлар” фаолиятларининг ниқоби фойш бўлди”.

Эслатма: яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Милалй кутубхонасида Мустафо Чўқайнинг “Совет иттифоқининг Турк дунёси сиёсати” китобининг тақдироти бўлиб ўтди. Тақдиротда Истанбул университети профессори, ушбу китоб тузувчиси Абдулваҳоб Қора, Қозоғистондаги Қўрқут ота университети ҳузуридаги Мустафо Чўқай илмий маркази бошлиғи Сағат Тайман, АҚШдаги Мичиган университети профессори Темур Хўжа ўғли, Аҳмад Ясавий номидаги халқаро қозоқ-турк университети профессори Ҳазратали Турсун, профессорлар Саидакбар Ағзамхўжаев, Бахтиёр Тўраев, Қарамон Ражабов, тарихчи олимлар Мурод Раҳматов, Зоҳиджон Холдорев ва китоб таржимони Назарбек Раҳим Туркистон мустақиллиги учун курашган Мустафо Чўқай ҳаёти ва фаолияти, илмий мероси, асарларининг тадқиқ қилиниши ҳақида сўз юритадилар. Мустафо Чўқай ўз ҳақиқатлари билан яна бир бор юртимизга қайтди.

Воқеий ҳикоя

Энг қудратли туйғу

Ёввойи табиатда оналик меҳридан ҳам қудратлироқ куч борми ўзи?! Назаримда, йўқ. Деярли барча жонзотлар ўз боласини авайлаб, ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилиш учун ҳатто жонидан кечишга тайёр туради.

Масалан, филларни олайлик. Фил боласи туғилган заҳоти бутун пода уни ўраб, ўз ҳимоясига олади. Бироқ барча мастуалият барибир она зим-масида. Она фил бир неча йил давомида боласини эмизади, ундан ҳеч қачон узоқлашмайди. Агар филча йиқилиб қолса, онаси ва бошқа фил-лар уни эҳтиёткорлик билан турғизиб қўйишади. Хавф-хатар туғилса, она фил ўз танасини қалқон қилишга, ҳатто ўз жонини фидо қилишга ҳам тайёр туради.

Ижтимоий тармоқларда тарқалган машҳур видео – қоплонлар ҳу-жуми пайтида она фил ўз боласини танаси билан тўсиб, ўзини қурбон қилганини кўпчилик кўрган, албатта. Ушбу манзара оналик меҳрининг нечоғалик бекиёс туйғу эканини яна бир бор намоён этади.

Куйндаги расмда эса она айққ унинг яраланган боласи тасвирлан-ган. Автоҳалокат оқибатида айққча оғир жароҳат олиб, юролмай қо-лади. Бироқ она айққ уни ташлаб кетмайди. Аксинча, ундан бир лаҳза ҳам узоқлашмайди.

Тўрт кун давомида у боласининг ёнидан жилади. Айққчани оҳиста тилаб кўтариб юрди, қайта-қайта дарёга бориб, ожиз боласи учун ба-лиқ тутиб келди. Ўзи ҳам оч, ҳам қувватсиз бўлишига қарамай, бир лаҳза ҳам умидсизликка тушмади. Она айққ ўз меҳри, фидоилиги билан бо-ласини ҳаётга қайтаришга астойиди ҳаракат қилди.

Айниқса, узун тунлар давомида хавф-хатар жуда яқин, атрофда йиртқич



ҳайвонлар кезиб юради. Аммо она айққ саросимага тушмади: чалажон бо-ласидан воз кечмай, ҳаёт ва ўлим ўртасида қаттиқ курашди. Унинг қайтули фарёди ўрмон узра акс-садо берди, бироқ у боласини асло тарк этмади.

Ниҳоят, онасининг тинимсиз гамхўрлигини ҳис қилаётган нимжон айққча соғайиб, ҳаётга қайта бошлади. Она айққнинг ғамгин кўзлари бироз нурланди. У босиб ўтган азобли йўл — қўрқув, очлик, гўдак учун кураш — барчаси беҳуда кетмаган эди. Қийин вазиятда улар орасидаги риштаalar янада мустаҳкамланди. Бу оналик меҳрининг энг юксак, энг ёрқин ифодаси эди.

Ноаниқликка, хавф-хатар ва синовларга тўла бу дунёда мазкур ҳикоя бизга бир ҳақиқатни эслатади: оналик меҳри ҳеч қачон тасамм бўлма-диган ва чегара билайдиган энг қудратли туйғудир.

Манба: t.me/qodirdjuraev



“Кеча тунда қайғу ва аламга қарши ўзимнинг қайишй уч босқичли ре-цептим ҳақида ўйладим:

1) 10, 20 йил олдин азоб берган нарсалар ҳо-зир аҳамиятсиз бўлиб қолгани каби, бугунги таишвишлар ҳам 10, 20 йилдан кейин қанчалик аҳамиятсиз бўлиб қо-лиши ҳақида ўйлаш;
2) ўзингнинг қилган ишларингни эслаш, сени хафа қилаётган ишлар-дан яхши бўлмаган ўз қилмишларингни ёдга олиш;
3) ҳозирги аҳволингдан юз баробар ёмонроқ бўлиши мумкин бўлган вазият ҳақида ўйлаш.”

Лев ТОЛСТОЙ